



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

asr

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

21-iyul 2022-yil 29 (975)



www.21asr.uz



@XXIasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН - ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ



ЎЗА сурати

ЖАРАЁН

ТОМОРҚАЧИЛАР ҲАМ ФАОЛЛАШЯПТИ

Мамлакатимизда конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамалари қизғин давом этмоқда. Ҳудудларда бўлаётган юзма-юз мулоқотлар, қатор учрашувлар шундан дарак бермоқда. Бунда ушбу ислохотнинг ташаббускори бўлган O'zLiDeP депутатлари ҳам, партия лидери ҳам тиним билмаяпти, десак муболаға бўлмайди. Тушунтириш-тарғибот ишлари тўхтагани йўқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ақтам Хаитов жойларда конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамаларига бағишланган тадбирларда бевосита ўзи қатнашяпти, шунингдек, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқалардан унумли фойдаланиш борасидаги ишлар билан ҳам танишяпти.

Ана шундай учрашувлардан бири Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида ўтказилди. Партия лидери шу туман ҳокими Жаҳонгир Ризаев билан биргаликда мазкур ҳудуднинг Истиклол маҳалласида яшовчи Толибжон Холматов хонадонига борди. Томорқа соҳиби янгиликка қўл уриб, голубика (хўжағатга ўхшаш кўк рангли мева) етиштиришни бошлаган экан. У Белорусдан олиб келинган кўчатларни маҳаллий шароитга мослаштирибди.

Голубика қимматбаҳо доривор мева саналади. Унинг 1 килограмми жаҳон бозоридида 50-70 АҚШ долларига баҳоланяпти



бугун. Бутаси 3 йилда тўлиқ ҳосилга кирарди.

Ҳозирда томорқачи 4 минг 200 дона 2 йиллик кўчат, 300 дона 5-6 йиллик кўчатни парваришляпти. Толибжон Холматов келгусида 100 тонналик музлаткич куриш, меваларни экспорт қилиш мақсади борлигини айтди.

Тадбир қатнашчилари иш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирдилар, шунингдек, томорқачи тилга олган айрим қийинчиликларни бартараф этишни зиммаларига олдилар.

Норин маҳалласида истиқомат қилувчи Фатҳиддин Аскарлов гулчилик кооперациясини ташкил қилляпти. Бу ердаги ишлар ҳам кўздан кечирилди. Томчилатиб суғориш орқали наъматак, атиргул, лола

ва бошқа 100 дан ортиқ турдаги гуллар парваришланмоқда.

Ақтам Хаитов етиштириляётган гуллар нархи, харидорлар талаб-истаклари билан қизиқди, давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан ер эгалари учун яратилаётган янги имкониятлар хусусида сўз юритди. Тадбиркорлар жамиятимизда кечаётган жараёнлар, хусусан, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда янада фаолроқ қатнашиши зарурлигини таъкидлади. Илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари татбиқ қилинган ана шундай кооперацияларни кўпайтириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш кераклигини қайд этди.

O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

"...ИЖТИМОЙ, ДУНЁВИЙ, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ"

3с.



АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАСАК, ЭЪЗОЗ ТОПАМИЗ

4с.

ҚАБР СОТИБ ОЛМАЙ... АЗОБЛИ УҚУБАТ СОТИБ ОЛДИМ

5с.



РУС ТИЛИ ХОРИЖИЙМИ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ? НОАНИҚ МАҚОМ МАГИСТРАТУРАГА КИРУВЧИЛАРНИ САРСОН ҚИЛМОҚДА

5с.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗМИ, Ё КЎЗА СИНДИРГАН?

6с.



Парламент Қуйи палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хаитов Термиз шаҳридаги "Silk Road Text" комплекси ишчи-хизматчилари ҳузурда ўтказилган конституциявий ислохотларга бағишланган тадбирда ҳам иштирок этиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасидаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари ҳақида сўз юритди, дея хабар қилмоқда O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати. – Мазкур қонун

лоийҳасига киритилаётган икки юзга яқин ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятида айнан инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлигини кафолатловчи қоидалар ётганлиги таъкидланди. Тадбирдан сўнг "Silk Road Text" комплексида жойлашган, 250 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ишлаётган "Dream Silk Textile" масъулияти чекланган жамиятининг тайёр кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишилди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

